



ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОНА ТИЛИ ФАНИНИНГ ЎРНИ ВА ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ НУФУЗИ

Xoltoyeva Saida Davurovna

*Toshkent viloyati Parkent tumani 17-umumiy o'rta ta'lim maktabining ona tili va
adabiyoti fani o'qituvchisi*

Аннотация: Мақолада она тили фанининг ўқитилишида амалий машғулотларнинг ўрни ва ўқувчиларни инглиз тили ва ўзбек тилини ўрганишдаги тафовут ҳамда она тили фанига қизиқишни инобатга олиш долзарблиги ҳақида баён этилган

Калит сўзлар: ПИСА, коммуникатив, кўникма, фанлараро, ўзга тиллар.

ТХЕ РОЛЕ ОФ МОТХЕР ТОНГУЕ ССИЕНСЕ ИН ТХЕ ДЕВЕЛОПМЕНТ ОФ ТХЕ ЭДУСАТИОН СИСТЕМ АНД ТХЕ ИМПОРТАНСЕ ОФ ТХЕ УЗБЕК ЛАНГУАГЕ

Абстракт: Тхе артисле десcribes тхе роле оф праcисал траининг ин тхе теачинг оф мотхер тонгуе анд тхе импортансе оф такинг инто асsoунт тхе дифференсес ин тхе студй оф Энглиш анд Узбек анд тхе интерес ин тхе субжест оф мотхер тонгуе

Кейвордс: ПИСА, соммуниcативе, скилл, интердисциплинарй, отхер лангуагес.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 29-апрелдаги фармонига мувофиқ, Халқ таълими тизимини 2030- йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди ва унда бир қанча мақсадли кўрсаткичларга эришиш бўйича аниқ механизмлар белгиланди. Мисол тариқасида шуни таъкидлаш жоизки, 2030- йилга бориб ўқувчилар билимини баҳолаш бўйича ПИСА халқаро дастури рейтингида Ўзбекистоннинг жаҳондаги етакчи мамлакатлар қаторидан жой эгаллаши мақсад қилиб қўйилган. Бунинг учун эса педагоглар, она тили ва адабиёт ўқитувчилари зиммасига юклатилган вазифалар талайгина: ўзбек тилининг нуфузи, жаҳондаги ўрни, бошқа тиллар билан бемалол беллаша оладиган қирраларини кўрсата олиши асосий вазифадир. Аввало, ўқувчини она тили фанига қизиқтириш, унда фанга бўлган муҳаббатни шакллантириш, она тилининг биз билмаган сир - синоатларини очишга ўргатиш ва, энг муҳими, амалда бажариш керак. Шу билан бирга, Республикамиз Президенти Ш. Мирзиёевнинг "Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз" асари ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" дан келиб чиққан ҳолда, бугунги кунда она тили фанини ўқитишда турли замонавий метод ва усуллардан фойдаланиш, фойдаланилаётган





метод ва усулларнинг ўқувчиларга қай даражада самара бераётганини аниқлаш ҳозирги кунда муҳим долзарб аҳамият касб этади.

Она тили фанини ўқитишдан мақсад - ўқувчиларда мустақил ижодий фикрлаш қобилияти, фикр маҳсулини оғзаки ҳамда ёзма шаклларда тўғри ва раво ифода қилиш олиш кўникмаларини шакллантиришдан иборат. Афсуски, ҳозирги кунда ўқувчиларда мустақил фикрлаш қобилияти, адабий тил меъёрига амал қилиш ва, энг асосийси, фанга бўлган қизиқиш сусайиб бормоқда ҳамда бунини инкор қилиб бўлмайди. Охириги йилларда инглиз, рус тилларини ўрганишга бўлган талаб жуда кучли, бу, албатта, тобора жадал ривожланиб бораётган жамият билан боғлиқ. Тил билган яхши, аммо ўз она тилисини мукамал билмай туриб бошқа тилларга меҳр билан қараш ўзбек тилининг нуфузини янада пасайишига олиб келяпти, назаримда. Ўзбек хонадонларининг фарзандини рус тили ўргатиладиган синф ёки мактабларга қўйиб болани тил ўрганиш билан боғлиқ муаммога дуч қилишяпти. Бола нутқида турли хил тилдан фойдаланиш кузатиляпти. Ўзга тилларни ўрганиб бошқа миллат урф - одатларини эгаллашга бўлган иштиёқ, тақлид қилиш кабилар кучаймоқда. Педагоглардан биринчи навбатда она тилимизнинг жаҳондаги ўрнини, нуфузини ўқувчига чуқур, жуда чуқур сингдириб, меҳр уйғотиб, сир - синоатини ўргатиб, бошқа тиллар билан беллаша оладиган қирраларини кўрсатиб ундан кейин ўзга тилларни эгаллашдаги эҳтиёж нимадан иборат эканлигини тушунтира олиш талаб қилинади.

Ўқувчи янгиликка интилувчан бўлади. Ҳар қандай фанни фанлараро боғлаб ўргатиш мақсадга мувофиқ. Ўқувчини фанга қизиқтириш, аввало, педагогнинг билими, малакаси бўлса, ундан кейин дарс жараёнида қўллай оладиган замонавий метод ва инновацион технологиялардир. Она тили фани ўқувчи-ёшлар билимининг асосий пойдеворини ташкил этиш билан бирга уларнинг нутқ бойлигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Шиддат билан ривожланиб бораётган замонда мактабларда она тили ва адабиёт фанининг чуқурлаштириб ўтилишини, сифатли дарс машғулоти олиб борилишини, фанлараро боғланишларни кенгроқ таъминлашга алоҳида аҳамият берилишини талаб этмоқда. Шундай экан мактабларда ўқувчи-ёшлар қизиқиши, фанга мойиллиги асосий масаладир.

Келажак ёшларимиз қизиқишларини тўғри йўналтириш ва амалайётга мослаштириш ҳар бир педагогнинг олдидаги масъулиятли вазифадир. Билим берамиз, ўқувчи тест ишлай олади ва назарий саволларга ҳам жавоб беради, аммо амалий бажариб беришга келганида ҳатто техник қоидаларини ҳам назарий баён этади, амалий бажара олмаслиги исботланган. Айниқса, она тили дарслигидаги кейинги йиллар бир қанча танқидга учраб тоғирланиб борилаётган камчиликлар ўқувчининг чалғишига олиб келмоқда. Инглиз тилидаги барча дарслик-қўлланмалар эса суратлар, турли усул ва методлар билан тил ўрганишнинг энгил усули орқали ўқувчини ўзига жалб этади. Ҳар бир



назарий қоида амалда бажарилиб кўрсатилади. Бу ҳар қандай ўқувчини ўзига жалб

қилади ва барча дарсликларни суратлар билан безатилган ҳолда мавзуга доир методларга мослаб чиқарилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Фанларнинг ўқитилишига ижобий таъсирлар кўрсатиш учун методларнинг ўрни жуда катта. Ҳозирги даврда она тили фани бўйича ўқув дастур ва режаларни янгилаш, ўқитишни сифат ва мазмун жиҳатдан янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактаб ва академик лицей тил таълими жараёни бугунги кунда биринчи навбатда коммуникатив ёндашув хусусиятларини ўзида акс эттирмоғи даркор. Коммуникатив ёндашувга кўра нутқ муайян нутқий мақсадни рўёбга чиқариш, кимгадир ахборот бериб, кимдандир ахборот олиш, ким биландир фикр алмашиш асосида ҳаракатга келтирилади. Бунинг учун ёшлар нутқ ўстириш машқлари мобайнида мулоқот маданиятини ўзлаштиришлари, суҳбатдошига таъсир кўрсатиш лаёқатини эгаллашлари лозим. Шунингдек, ушбу ёндашувнинг талабига кўра мактаб ва академик лицейнинг ўқувчилари она тилини муомала-аралашув тақозо этадиган, ахборот олиш эҳтиёжи талаб қиладиган даражада ўрганиши ва эгаллаши зарур, қолаверса, шу тилнинг чинакам соҳибига айланишлари даралмас коммуникатив ёндашувнинг мазмун-моҳияти рус тили ўқитиш методикасида етарлича ўрганилган. Методист-олим О.О.Харченко ўз мақоласида бугунги рус тили дарсликлари коммуникатив ёндашув асосида яратилаётганлигини уқтиради ва шунга кўра ҳам таълимнинг нутқий (коммуникатив) йўналганлик тамойилини ажратилиш лозимлигини таъкидлайди. Бу эса дарслик билан ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам чекланиб қолишини олдини олади ва ўқувчи ҳар бир фандан олган билим, малака кўникмаларини ҳаётда ўзи мустақил қўллаш олиш имконини беради.

Ҳаётимизда рўй берган, бераётган ва келажакда рўй берадиган жамики нарсаларни мавзулар кесимида ҳаётдан олиб, ҳаётга боғлаб амалий исботлаб, амалий кўрсатиб тасаввур уйғотсак, ёшлар нафақат она тили ва адабиёт фанларида, балки бошқа фанлардан ҳам мантиққа таяниб тасаввур ҳосил қиладилар. Аммо "Гуруч курмаксиз бўлмади" деганларидек ўқувчилар орасида ҳамма имконият яратилса ҳам мойиллиги бўлмаслари топилади.

Кейинги пайтларда босқичма - босқич ривожланиб бораётган таълим соҳасида айнан она тили фанининг олдига қўйилган асосий мақсад ўқувчи нутқини ўстиришдан иборат. Айнан дарсликлар ҳам сўз бойлигини ошириш билан боғлиқ турли машқ ва топшириқларга урғу берган ҳолда яратилмоқда. Яъни сўзларнинг шакл ва маъно муносабати, иборалар маънодошлиги, ўхшашлиги, зид маънолилиги, архаик ва тарихий сўзларнинг қўлланилиши, матн устида ишлаш каби мавзулар рангбаранглигидан иборат. Аммо аксарият ўқувчилар бундай сўзларни нутқини ўстириш мақсадида эмас, тест жараёнига тайёрланиш учунгина кўр - кўрона ёдлаб олмоқда, холос. Ўқувчилар нутқига



эътибор берсак, уларда кўп ҳолларда паразит сўзларнинг ишлатилишини кузатиш мумкин, яъни ҳалиги, нима эди, ок, гоод бай... ва ҳоказо каби. Дарсликда келтирилаётган ибора - ю нутққа оид турли сўзларнинг гап таркибида қандай ҳолда, қай

мақсадда ишлатилишини тасаввур ҳам қила олмайди. Ўқувчи нутқини ўстирадиган ҳолатларнинг биринчиси, сўз бойлигининг кўплиги бўлса, кейингиси шу сўзларни гап таркибида ўз ўрнида қўллаб равон, тўғри нутқни шакллантиришдир. Масалан, она тили дарсларида турли методлардан: "Ақлий ҳужум", "ФСМУ", "Балиқ скелети", "Сарлавҳа биздан, матни сиздан" ва ҳоказолардан фойдаланилади ҳамда айрим ҳолларда кутилган натижага эришиш мумкин. Бу методларнинг айримлари қўлланилганда бир муддат ўқувчи ўйлаши учун вақт ҳам ажратилади, аммо бу усулларнинг бари ўқувчи нутқини тўла шакллантириб бера олмаслиги мумкин. Вақт ўтиши билан бу методлар эскириб ўрнига янги - янги методлар пайдо бўлиб бораверади. Ўқувчига монитор экранларида ёки кўрғазма сифатида (албатта, ривожланиб бораётган мамлакатимиз мактабларида яқин келажакда ҳар бир синф хоналари замонавий жиҳозланишига, ҳар бир синф хонасида компьютер, электрон доска бўлишига ишонамиз) бирор бир сурат кўрсатилиб ўйлаш учун вақт ажратилмай сурат асосида матн тузилиш, тузаётган матнида: ҳар бир гап таркибидаги сўзлар такрорига йўл қўймаслик, фақат синонимларидан фойдаланиш, гапларни тутилмай равон тарзда тузиш, фақат ўзбек тилидан фойдаланиш шарт қилиб қўйилади. Бу ҳолат бир мартада натижа бермаслиги мумкин, аммо ҳар дарсда фойдаланилса, ўқувчи нутқида равонлик, ўсиш кузатилиши аниқ. Ундан ташқари ўқувчининг эшитиб тушунишини ривожлантириш учун бирор ўзлари адабиёт дарсларида ўқиган бадиий асардан парча эшиттирилиб, парчани ўқувчидан худди ўзидай сўзлаб бериш талаб қилинса, ўқувчининг нутқини ўстиришда кутилган натижага эришиш мумкин. Ўқувчиларни бу методларда қизиқиш уйғотиш учун усулларни "Ўйламай сўйла", "Эшитганимдай гапираман" деб номлаш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчиманки, имкон қадар таълимга энг сўнгги русмдаги компьютер жиҳозлари, махсус синфхоналар, ускуналар (плакатлар, электрон дарсликлар, вертуал хона), зарурий ўқув воситалари ва ўз касбини севадиган фидоий кадрларни жалб этиш ҳамда амалий машғулотлар учун синфлар кесмида 15 тадан ошмаган ҳолда гуруҳларга бўлиб дарс ўтишни ва дарс соатларини назарий дарс соатларидан алоҳида соатларга ажратган ҳолда ўтилишини тавсия қиламан, чунки ўқувчи мустақил хулосалаш, амалий бажариб кўриш ва ҳаётга татбиқ этиш учун бор билимини амалиётга тўлиқ мослаштира олиши учун вақт камдек гўё.

2019-йил 19-март куни ёшларга эътиборни кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, ёшлар





Ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига янги тизим асосида ёндашиш бўйича бешта муҳим ташаббус илгари сурилди. Бу янги инновация эса барча соҳалар сизга таълим тизимида ҳам ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Таълимда мактаб тизimini ривожлантириш биз учун буюк мақсадга айланиши зарур.

